



КАТТА ЛОЙИХА ИЖРОСИ

2025 йилнинг 29 апрель куні Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятида “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши лойиҳасининг асосий объектлари қурилиши бошланишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

“ХИТОЙ – ҚИРҒИЗИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН”
ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ МУҲИМ ОБЪЕКТЛАРИ
ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ



Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси темир йўл ишчилари ўртасидаги самарали ҳамкорлик туфайли томонлар асосий объектларда ишларни муддатидан олдин бошлаш натижасига эришдилар, бу эса лойиҳанинг фаол қурилиш босқичига ўтиш фактини кўрсатади.

Уч томон иштирокидаги тантанали маросимда Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари – Қирғиз Республикаси сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати вазири Бақит Торобаев Қирғиз Республикаси Президентининг топшириғи билан қурилиш ишларига старт берди.

Ўзбекистон томонидан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Хикматулла Раҳметов, Ўзбекистон Республикасининг Ўш шаҳридаги Бош консули, Транспорт вазирлиги, Халқаро рақамли транспорт йўлакларини ривожлантириш стратегияси лойиҳаси идораси, Қурилиш консорциуми ва “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг бошқа вакиллари иштирок этди.

Х.Раҳметов “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши Евроосиё минтақалари савдо-иқтисодий, саноат соҳаси, туризм, сармоя, инновация ва транспорт тармоғидаги салоҳиятни ривожлантиришга хизмат қилишни таъкидлади.

Тантанали очилиш маросимидан сўнг темирйўлчилар узунлиги 10 километрдан ортиқ учта туннель қуришни бошладилар, жумладан:

- 1-сонли туннель – Норин (Жаман-Даван) узунлиги 12,5 километр;
- 2-сонли туннель – Қўштўба (Қазарман), узунлиги – 13,2 километр;
- 3-сонли туннель – Фаргона (Сузоқ тумани) узунлиги – 12,2 километр.

“Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўл лойиҳасининг умумий узунлиги 532,53 километр бўлиб, шундан “Қашғар – Торугарт” Хитой ҳудудига 158,04 километр ва Қирғизистон ҳудудига 304,94 километр, шу жумладан, 167,54 километр изи кенглиги 1435 мм ва 138,77 километр изи кенглиги 1520 мм. 20 та темир йўл станцияси (иккита истиқболли), шу жумладан, 2 та чегара станцияси, 1 та юк ташиш станцияси, 4 та оралік станция ва 13 та разъезд қурилиши режалаштирилган.



Ўқубжон МУРОТОВ олган суратлар

Умумий узунлиги 16 километр бўлган 48 та кўприк, умумий узунлиги 103 километр бўлган 27 та туннель, кўприклар ва туннелларнинг умумий узунлиги 120 километрни ташкил этиши белгиланган.

Эслатиб ўтиш лозимки, 2023 йилнинг 18 май куні Хитой Халқ Республикасининг Сиан шаҳрида ХХР тараққиёт ва ислохотлар миллий комиссияси, Қирғизистон Республикаси Транспорт ва коммуникациялар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ўртасида “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли лойиҳасини қуришнинг техник-иқтисодий асосларини қабул қилиш тўғрисида уч томонлама ҳужжат имзоланди. 2024 йил 6 июль куні Пекинда уч давлат ҳукуматлари ўртасида маъзур темир йўл лойиҳасини биргаликда илгари суриш, молиялаштириш механизмларини белгилаш, темир йўл қурилиши ва бошқа масалалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.

ТОШКЕНТ – ХОРАЗМ: 10 ТА ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛОВЧИ
ВАГОНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



ХОРИЖЛИК САЙЁҲЛАРДАН ЁКИ ЎЗБЕКИСТОНДА
САЁҲАТ ҚИЛИШ ИСТАГИДАГИ ЯҚИНЛАРИМДАН БИРИ
МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ДИҚҚАТГА САЗОВОР МАНЗИЛ-
ЛАРИНИ СЎРАСА, БИРИНЧИ БЎЛИБ, ДУНЁ САЙҚАЛИ
РЎЙИ ЗАМИН (ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ) – САМАРҚАНД,
ҚУББАТУЛ ИСЛОМ (ИСЛОМ ДИНИНИНГ МАРКАЗИ) –
БУХОРО ҲАМДА “ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ МУЗЕЙ” –
ХИВА ШАҲАРЛАРИНИ САНАЙМАН.

Менимча, ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёлига биринчи навбатда мана шу уч тарихий шаҳар келади. Чунки бу ерларни бир марта зиёрат қилган одам, бу ерга яна қайтгиси келаверади. Гўёки бошқа бир замонга, сайёрага тушиб қолгандек ҳис қилади ўзини.

Хивага боришни тавсия қилганимда, кўпчилик пойтахтдан қанчалик узоқлигини сўрайди. Чамаси 1 минг 100 километр эканини айтсам, “эҳ-ҳе” деб ўйга толиб қолади ёки дарров самолётнинг кейинги рейси қачонлиги билан қизиқади. Мен эса уларга:



РУСТАМ ҲАЙДАРОВ ОЛГАН СУРАТЛАР



– Ҳақиқатдан ҳам саёҳат қилмоқчи бўлсанг, поезд ёки автомобилда бор. Йўлнинг ўзидан ҳам олам-олам таассурот оласан, – дея маслаҳат бераман. У эса:

– Қўйсангчи, поездда шундан-шувёққа бориб бўладими, – дейди.

– Қизилқумнинг бепоён чўллари кесиб ўтмай, Амударёнинг ҳавосидан тўйиб нафас олмай, Хивага бордим деб бўладими, – дея кўндирришга уринаман.

Лекин кўпчилик йўл узоқлигини, транспорт ноқулайлигини айтиб, Хивага боришни кечиктиради.

ДАВОМИ 2-БЕТДА

ЎҚУВ-СЕМИНАР

БУТУН ЖАҲОН МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

2025 йил 25 куні “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали Ҳудудий қасаба уюшмаси қўмитаси томонидан узелнинг техник ўқув машғулот марказида 28 апрель – Бутун жаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишланган “Меҳнат муҳофазасининг янги босқичи: иш жойида сунъий интеллект ва рақамлаштиришнинг роли” мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Унда барча корхона, ташкилот ва муассасалар бош муҳандислари, меҳнат муҳофазаси муҳандислари ва бошланғич қасаба уюшма ташкилоти раислари иштирок этишди. Шунингдек, семинарда Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси Бухоро вилоят Кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси Азизжон Амонов ва вилоят Кенгаши меҳ-



нат техник инспектори Ҳайитбек Барноевлар сўзга чиқиб, меҳнат муҳофазасини таъминлаш темир йўл тизимида ниҳоятда муҳим масала эканлиги ва бунда ишчи-ходимларнинг билим малакасини мунтазам

ошириб бориш зарурлигини маърузаларида алоҳида таъкидлашди.

Ўқув-семинар якунида “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали тасарруфдаги корхона, ташкилот ва муассасалар



ўртасида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танловининг 1-босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.

Р.ЯНГИЕВ
Ҳудудий қўмита ташкилий бўлим етакчи мутахассиси

ЖАРАЁН

МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

“Тошкет йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятида меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини такомиллаштириш, самарадорлигини янада ошириш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни олдини олишга йўналтирилган профилактик ишларни кучайтириш бўйича ўқув семинари ўтказилди.



Дастлаб “Тошкет йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятига ташриф буюрган Тошкент давлат Транспорт университети “Техносфера хавфсизлиги” кафедраси доцентлари Х.Камилов ва О.Алиев ҳамда таянч докторанти Ш.Мусаев билан завод ишчи-ходимлари таништирилди.

Шундан сўнг “Тошкет йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамияти бош муҳандиси О.Тураев сўзга чиқиб, завод ишчиларининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув машғулотлари ўтказилиб борилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Корхонада меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Юқори босим остида ишлайдиган ускуналарнинг хавфсизлиги” бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Жамиятнинг Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи Д.Халмирзаева томонидан ўтказилаётган ўқув-семинар дастури билан ишчи-ходимлар таништирилгач, маъруза қилиш учун таянч докторанти Ш.Мусаева сўз берилди.

Ш.Мусаев томонидан “Юқори босим остида ишлайдиган ускуналарнинг хавфсизлиги” мавзусида маъруза қилди.

Юқори босимли идишларни лойиҳалаш ва қурилиш қоидалари, босим остида ишловчи идишлар учун техник талаблар, пўлатдан ясалган кичик ва ўрта ҳажмли цилиндрлар учун техник шартларнинг стандарт рақамлари ҳамда Ўзбекистон қонуни ва стандартлари ҳақида ҳам тушунтиришлар берилди.

Бундан ташқари, босим остидаги тизимлардан фойдаланишда эҳтиёт чора-

лари кўрилмаса ёмон оқибатларга, яъни портлаш, куйиш каби жараҳат ва захарланишга олиб келиши ҳақида мисоллар билан маълумотлар айтиб ўтилди.

Сўнгра доцент О.Алиев сўзга чиқди. У ўз сўзида босим остида ишлайдиган идишларга сиқилган, суюлтирилган ва эриган газлар ва суюқликлар билан тўлдирилган-компрессорлар, баллонлар (цилиндрлар), буғ қозонлари, қувурлар, темир йўлда ташиш учун мўлжалланган цистерналар кириши ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, “Техносфера хавфсизлиги” кафедраси доценти Х.Камилов идишларни техник кўриқдан ўтказишда қўйиладиган дастлабки, фойдаланиш жараёнида даврий ҳамда зарурат туғилганда навбатдан ташқари талаблар тартиби бўйича тушунчалар берди.

“Тошкет йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жа-

миятининг Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлими муҳандиси Ш.Давренов эса жамият корхона ва ташкилотларида 2025 йил давомида йўл қўйилган ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг сабаблари ҳақида батафсил сўзлади ва бундай бахтсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик учун юқорида олинган билим ва кўникмаларни қўллай билиш, доимо техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ва ёдда сақлаш кераклиги ҳақида таъкидлади.

Ўқув-семинар якунида меҳнатни муҳофаза қилиш борасида бўлими ва бўлим раҳбарлари билан савол-жавоб тарикасида суҳбат ўтказилиб, меҳнат муҳофазаси назорати ишларини такомиллаштириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Дилфуза ХАЛМИРЗАЕВА,
Меҳнат муҳофазаси ва техника
хавфсизлиги бўлими бошлиғи

МАВЗУ ТАҲЛИЛИ

ИШОНЧЛИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ – ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ КАФОЛАТИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўзоқ муддатли истиқболга ва иқтисодийётни модернизациялашга қаратилган инвестиция сиёсати фаол олиб борилмоқда. Инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, экспорт ҳажмини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан яширин иқтисодийётни қисқартиришда янгича ёндашувларни жорий этиш, давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини бизнес ва аҳоли учун соддалаштириш ва рақамлаштириш орқали уларнинг ишончини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Инвесторларни жалб қилишда молиявий ҳисоботларнинг ишончилиги ва улар тўғрисида аудиторнинг профессионал фикри муҳим роль ўйнайди. Инвестиция муҳитини яхшилашнинг муҳим йўналишларидан бири молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларини жорий қилиш ҳисобланади. Бу ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобини тўғри ва ўз вақтида юритиш, молиявий ҳисоботлардаги ахборотларнинг очиклик даражасини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга хорижий шериклар ва инвесторлар ўртасида маҳаллий компанияларнинг молиявий ҳисоботларига ишончини оширади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбир-

лар тўғрисида”ги 4611-сон қарорига асосан, 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлашни белгиланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган энг йирик акциядорлик жамиятларидан бири бўлиб, молиявий ҳисоботларни МҲХС асосида тузиб, фойдаланувчиларга тақдим этади.

Ушбу йирик вертикал интеграциялашган тузилмадан иборат бўлган акциядорлик жамиятида молиявий ҳисоботнинг ишончилигини таъминлаш қўйидаги омиллар таъсирида мураккаблашиши мумкин:

- деярли кўпуб мамлакатимиз бўйлаб жойлашган бўлган фаилалар билан ва шуъба корхоналарнинг мавжудлиги;
- жамият томонидан турли хил фаолиятнинг амалга оширилиши;
- солиқ декларацияларининг марказлаштирилган ҳолда тақдим этиш мажбурияти;
- консолидациялашган молиявий ҳисоботларни шакллантириш зарурати;
- турли бўлимларда турли хил бизнес жараёнларнинг мавжудлиги.

Бу каби ва бошқа омилларнинг таъсирини камайтиришда ички назоратнинг самарали ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ички назорат – бу бошқарувнинг барча даражаларида ходимлар ва бухгалтерия ҳисоби раҳбарияти томонидан амалга ошириладиган доимий жараён бўлиб, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти молиявий-иқтисодий фаолиятини, активларнинг хавфсизлигини, тартиб-қоидалар

ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши ҳамда молиявий ҳисоботларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим этилишини таъминлашга қаратилади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида ички назорат самарали ташкил этилган бўлиб, бунда ички назоратнинг асосий элементлари: назорат муҳити, назорат амаллари, ахборот ва коммуникация, рискларни бошқариш ва мониторинг мавжуд. Ушбу элементлар жамиятдаги “Тафтиш комиссияси”, “Ички аудит хизмати”, “Комплаенс назорати” ташкил этилишида мужассамлашган.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлаш ички аудит хизматининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Шу билан бирга Тафтиш Комиссияси ҳам йиллик молиявий ҳисоботни текшириш, унинг ишончилигини таъминлашга қаратилган амалларни бажаради. Комплаенс назорати эса молиявий ҳисоботнинг жиддий бузиб кўрсатилиши рискинни бошқаради.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш мумкин, бугунги кунга келиб “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида консолидациялашган молиявий ҳисобот халқаро стандартлар талаблари асосида тузилиб, фойдаланувчиларга тақдим этилмоқда ва кенг қўламда инвестицияларни жалб қилиш натижасида янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Албатта, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги инвестицияларни жалб қилиш ва янги лойиҳаларни амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

А.АВЛОКУЛОВ,
ТДИУ профессори, и.ф.д.,
Н.АБДИЕВА,
ТДИУ профессори в.б., и.ф.д.



ТОШКЕНТ – ХОРАЗМ: 10 ТА ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛОВЧИ ВАГОНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Давомий. Бошланғичи 1-бетда

Биргина темир йўл соҳасидаги ўзгаришларни қайд этадиган бўлсак, йил сайин янги замонавий поезд, вагонлар харид қилиниб, маҳаллий аҳоли, хорижий сайёҳларнинг оғири енгил, узоғи яқинлаштирилмоқда.

– 2025-2026 йилларда янгича дизайн ва услубдаги, шинам, барча қулайликларга эга бўлган 70 та замонавий йўловчи вагонларини харид қилиш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳузуридаги Саноатни ривожлантириш жамғармаси томонидан имтиёзли кредит линиялари асосида маблағлар ажратилган, – дейди “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ахборот-таҳлилий медиа маркази мутахассиси Рустам Ҳайдаров. – Хусусан, бугун ушбу вагонларнинг биринчи 10 тасини фойдаланишга топширдик. Шулардан 4 та плацкарт (ҳар бири 54 та ўринга мўлжалланган), 4 та купе (ҳар бири 36

та ўринга мўлжалланган) ҳамда 2 та СВ (ҳар бири 18 та ўринга мўлжалланган) турдаги вагонлардир. Улар бир вақтининг ўзида Хивага боровчи 396 нафар йўловчига хизмат қилмоқда. Икки йил ичида 70 та вагон келтирилса, 1 миллион нафардан ортиқ йўловчиларни замонавий, шинам ва хавфсиз вагонларда манзилига етказиб қўя оламиз.

Олис йўл отни синар деганларидек, замонавий вагонлар халқимиз узоғини яқин қилади, йўл азобини енгиллаштиради. Юртимиз чиройини томоша қилиб, қулай вагонларда ҳордиқ чиқариб манзилларига қандай бориб қолганликларини сезмай ҳам қолишади. Бу имкониятлар ҳудуднинг туризм салоҳияти янада ортishiга хизмат қилиш билан бирга, юртдошларимизнинг Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилишларига яна бир рағбат бўлиши шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН

ТЕМИР ЙЎЛ КОРХОНАЛАРИДА “МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲАФТАЛИГИ” ЎТКАЗИЛМОҚДА

Халқаро меҳнат ташкилотининг ташаббуси билан 2003 йил 28 апрелдан бери ҳар йили дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини нишонланиб келинади.

Бу йилги Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини “Меҳнат муҳофазасининг янги босқичи: иш жойида сунъий интеллект ва рақамлаштиришнинг роли” мавзусида ўтказилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерациясининг Халқаро меҳнат ташкилоти билан биргаликда жорий йилнинг 28 апрель – 2 май кунлари Республикада “Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳафталиги” деб эълон қилинди ва ҳафталик доирасида бир қатор соҳага оид тадбирлар ўтказилиши белгиланган.

28 апрелдан ўтказилган “Рақамлаштириш ва сунъий интеллектнинг меҳнатни муҳофаза қилишдаги роли” мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт курувчилари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Қ.Сабилов иштирок этди. 29 апрелда “UzAuto Motors Powertrain” қўшма корхонасига тармоқ қасаба уюшмаси Республика Кенгашининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудури Ж.Валихонов ҳам ташриф буюрди.

28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини корхона, ташкилот ва муассасаларда муносиб ўтказиш мақсадида мавзуга доир “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси департаменти тармоқ қасаба уюшмаси Республика Кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда ҳафта давомида ўтказиладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ушбу чора-тадбирларга мувофиқ 28 апрелдан 2 майгача

ҳафта давомида:

28 апрель кунини “Бухоро электр таъминоти корхонасининг электр хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари” мавзусида илғор тажриба мактаби ўтказилди.

29 апрель кунини “Бухоро вагон депосида юк кўтариш кранларидан фойдаланиш жараёнида хавфсизлик талабларига риоя этилиши, хизмат муддати ўтган ХИЧОларни кўриқдан ўтказиш тартиби ва юк илғувчи воситаларидан фойдаланиш амалиёти” мавзусида илғор тажриба мактаби ташкил этилди.

30 апрель кунини “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимидаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда “Меҳнат муҳофазасининг янги босқичи: иш жойида сунъий интеллект ва рақамлаштиришнинг роли” мавзусида меҳнат муҳофазаси кунини ўтказилди.

1 май кунини “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 16 апрелдаги кўрик танлов Низоми талабига асосан “Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши корхона” ва “Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши муҳандис” номинация ғолибларини тақдирлаш бўлиб ўтади.

2 май кунини эса Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раёсатининг 2017 йил 20 ноябрдаги 8-108 “с” сонли қарори билан тасдиқланган “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танлови тўғрисидаги НИЗОМга асосан 1-босқич “Энг яхши корхона”, “Энг яхши қасаба уюшмаси қўмитаси”, “Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили” ва “Энг яхши ёш мутахассис” номинация ғолибларини тақдирлаш каби тадбирлар ўтказилади.

Ж.ВАЛИХОНОВ,
Тармоқ қасаба уюшмаси Республика
Кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш
бўлим мудури

ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

“ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИС”
ТАНЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ
БЎЛИБ ЎТДИ

Темирийўлчи ёшлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Энг фаол ёш мутахассис” танловининг йўл ҳужалиги соҳаси бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.



Мазкур танлов замонавий билимли, интеллектуал салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, соҳада истиқболли ёш кадрларни танлаш, ёш мутахассисларнинг касбий маҳоратини ошириш, уларнинг ижодкорлик ва ташаббускорликларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Танлов 2 шарт асосида ўтказилди: 1-шарт савол-жавоб, 2-шарт амалий бўлиб, унда иштирокчиларнинг касбий маҳорати синовдан ўтказилади.

Амалий шарт бўйича танлов “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали Тошкент темир йўл масофаси (ПЧ-2)да бўлиб ўтди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра:

1-ўринни “Темирийўлфинфратузилма” акциядорлик жамияти “Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали Қамчиқ темир йўл масофаси йўл устаси Йўлдошев Жасурбек Дониёржон ўғли эгаллади.

2-ўрин “Темирийўлфинфратузилма” акциядорлик жамияти “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали Термиз темир йўл масофаси йўл устаси Абдиев Сирожиiddин Холмурод ўғлига насиб этди.

3-ўринга эса “Темирийўлфинфратузилма” акциядорлик жамияти “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали Жиззах темир йўл масофаси йўл устаси Абдиев Нодирбек Нурмат ўғли муносиб кўрилди.

“ТИНЧЛИК” ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИГА
ҚАРАШЛИ ХУДУДЛАР ЎРГАНИБ
ЧИКИЛДИ

Поездлар ҳаракати хавфсизлиги кунда, “Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича 3 босқичли назорат” доирасида “Тинчлик” локомотив депоси бошлиғи Л.Ҳайдаров ва корхонанинг тегишли масъул ходимлари иштирокида депога қарашли ҳудудларнинг шароитлари билан яқиндан танишилди. Депо локомотив бригадалар дам олиш уйи, ошхона, ТХК-2 цехи ва бошқа ҳўжалик бинолари ҳолати кўздан кечирилди. Қўриқ давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъулларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди. Яқунда депо ҳудудидаги цехлар ва ҳўжалик биноларининг шароитларини янада яхшилаш, ишчи-ходимларга намунали меҳнат шароитларини яратиш бўйича келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан келишиб олинди.



“ҚАРШИ” ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИДА
ЎҚУВ-СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

“Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти бошчилигида “Қарши” локомотив депоси филиалида меҳнат муҳофазаси соҳасида кенгайтирилган ўқув семинари ўтказилди. Унда узел таркибидаги барча корхона ҳамда станция бош ва меҳнат муҳофазаси муҳандислари, шунингдек, корхоналарда фаолият юритаётган ёшлар иштирок этди.

Семинар давомида станция ва темир йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш шароитини яратиш мавзуларида тушунтиришлар бериб ўтилди.



Шунингдек, “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали тасарруфидagi корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ёш мутахассислар учун “Қарши” локомотив депосида экскурсия ташкил этилди.

ТРАНСПОРТ ПРОКУРОРИНИНГ
ЎРИНБОСАРИ “ТЕРМИЗ
МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ”
ФИЛИАЛИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг ўринбосари Д.Раҳматуллаев, Термиз транспорт прокурори З.Турсунов, “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Ф.Гиязов ва узел бош муҳандиси У.Муҳитдинов жорий йилнинг 26 апрель куни “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиалида амалга оширилган ишларни ўрганиш мақсадида “Термиз” локомотив депоси филиали, Термиз электр таъминоти масофаси филиали ва Термиз дарё портига ташриф буюрди.



Ташриф давомида жойларда ишчи-ходимларга яратилган имкониятлар, соҳани модернизациялаш ҳамда ходимларнинг иш фаолиятини яхшилашда замонавий ахборот-коммуникация воситалари жорий этилганлиги, барча жараёнларни автоматлаштириш, инсон омилини камайтириш юзасидан ишлар самараси соҳа вакиллари иштирокида кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, Транспорт прокурори темир йўл тизимида жорий этилган рақамлаштириш жараёнлари билан яқиндан танишиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини айтиб ўтди.

Ташриф сўнигида Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг ўринбосари Д.Раҳматуллаев вилоятимизда фаолият кўрсатувчи транспорт хизматидан фойдаланувчи тадбиркорларни қабул қилиб, таклиф ва муаммоларини эшитди.

УЧРАШУВ

“ЎЗБЕКИСТОН” ЛОКОМОТИВ
ДЕПОСИ ФИЛИАЛИГА ХИЗМАТ
САФАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ



“Темирийўлфинфратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосарлари Б.Каримов ва А.Аҳмедов томонидан темир йўл транспорти соҳасида техник салоҳият ва ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганиш, шунингдек, мавжуд инфратузилманинг ҳолатини баҳолаш мақсадида “Ўзбекистон” локомотив депоси филиалига хизмат сафари уюштирилди.

Ташриф доирасида локомотивларни таъмирлаш цехлари, назорат-марказлари, эҳтиёт қисмлар сақланадиган омборлар, диагностика жиҳозлари ва замонавий бошқарув технологиялари билан яқиндан танишилди. Локомотивларнинг эксплуатация жараёнлари, онлайн кузатув ва ҳисобот тизимлари, реал вақт режимидаги мониторинг технологиялари бўйича амалий тақдимотлар ўтказилди.

Учрашув давомида депонинг раҳбар ва мутахассислари билан мулоқот қилинган ҳолда самарадорлиқни ошириш, хавфсизлиқни таъминлаш, техник хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Ташриф якунида мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ва техник паркни янгилаш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Қарши электр таъминоти масофасида 28 апрель “Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини”га бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда ходимларга меҳнат муҳофазаси қонунини, Жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиб-қоидалари тўғрисида тушунтириш берилди. Иш жойида юзага келадиган зарарли омиллардан ўзини қандай ҳимоялаш мумкинлиги мисоллар билан кўрсатиб берилди.

Шунингдек, корхонанинг меҳнатни муҳофаза қилиш вакиллари ўртасида тест кўринишида мусобақа ўтказилди ва унда фахрли 1-ўринга Тошғузор ЭЧК-29 электр монтери Ш.Холбоев муносиб деб топилди. Тошғузор ЭЧК-29 электр монтери Ш.Иботов ва Деҳқонобод ТПС-31 электр механиги Й.Бердиевлар 2-ўринни, Оқработ ТПС-32 электр монтери Б.Сатторов ва Яқабоб ЭЧК-30 электр монтери А.Холмаматовлар фахрли 3-ўринни эгаллашди.

Ғолибларга корхона бошлиғи ва Бошқарма касаба уюшмаси қўмитаси раисининг фахрий ёрлиғи, эсдалик совғалари топширилди.



ЁШЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ТОШКЕНТ ТРАНСПОРТ ТЕХНИКУМИ ЁШЛАРИ
БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ



“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбариятининг 2025 йил 21 апрелдаги “Раҳбар ва ёшлар учрашувини ташкил этиш тўғрисида”ги 239-сонли буйруғига асосан Тошкент транспорт техникумида раҳбар ва ёшлар учрашуви бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Тошкент транспорт техникуми битирувчиларини Жамият таркибидаги корхона, ташкилот ва акциядорлик жамиятлари фаолияти билан яқиндан таништириш, ёшларнинг тасаввурини янада бойитиш, темир йўл транспорти соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалардан хабардор қилиш мақсадида ташкил этилди.

Унда Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш департаменти, “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали, Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси, Вагон ҳўжалиги бошқармаси, Ахборот ҳисоблаш маркази, “Ўзбекистон” локомотив депоси, “Темирийўлфинфратузилма”, “Ўзтемирийўлмаштаъмир”, “Қуюв-механика заводи”, “Ўз-вагонтаъмир”, “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи”, “Тошкент механика заводи”, “Ўзтемирийўлйўловчи”, “Темирийўл-лэкспресс”, “Ўзтемирийўлконтейнер” акциядорлик жамиятлари, “Темир йўл вокзаллари”, “1-сон Энергомонтаж поезди” ва “1-сон Қурилиш монтаж поезди” масъулияти чекланган жамиятларининг раҳбар ўринбосарлари, бош муҳандис ҳамда кадрлар бўлими бошлиқлари иштирок этишди.



Сўзга чиққанлар темир йўл тизимида олиб борилаётган ислохотлар, рақамлаштириш жараёнлари ва янги кадрларга қўйилаётган талаблар ҳақида маълумот бердилар. Битирувчи ўқувчилар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Тадбир сўнигида “Ўзбекистон” локомотив депоси ва “Ўзвагонтаъмир” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан иқтидорли ўқувчиларга эсдалик совғалар топширилди.

Таъкидлаш лозимки, 2024/2025 ўқув йилида ушбу техникумни 800 дан зиёд ўғил ва қизлар 13 та мутахассислик бўйича ўқишни тамомлайди.

Назokat НУРМАТОВА

“БУХОРО-1” БЕКАТИДАГИ ТЕМИР ЙЎЛ КАСАЛХОНАСИ ВА ОСИЁ ХАЛҚАРО
УНИВЕРСИТЕТИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

“Бухоро-1” бекатида жойлашган темир йўл касалхонаси раҳбарияти — директор Феруз Саломов, бош шифокор Барот Ражабов ва кадрлар бўйича инспектор Дилноза Шадиева Осийё халқаро университетига ташриф буюрди.



Учрашув давомида университет ректори Сухроб Дехканов билан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, талабалар учун амалий машғулотларни ташкил этиш, тиббиёт йўналишидаги дарсларнинг касалхона базасида ўтказилиши борасида таклиф ва фикрлар алмашилди.

Темир йўл касалхонаси раҳбарияти талабалар касбий маҳоратини

ни ошириш, тажриба алмашиш ҳамда илмий-амалий фаолиятни қўллаб-қувват-

лаш йўлида барча имкониятларни сафарбар этишга тайёр эканини таъкидлади.

Учрашув якунида Осийё халқаро университети ва “Бухоро-1” бекатидаги Темир йўл касалхонаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу меморандум икки томонлама алоқаларнинг янги босқичига замин яратди

ВЬЕТНАМ НАЧНЕТ ПРОИЗВОДИТЬ РЕЛЬСЫ
ИЗ ВЫСОКОКАЧЕСТВЕННОЙ СТАЛИ

Вьетнамская сталелитейная компания Hoa Phat Group объявила о предстоящем строительстве в индустриальной зоне Dung Quat 2 (провинция Куангбай) нового предприятия, которое будет выпускать продукцию из высококачественной стали, включая железнодорожные рельсы, стальной профиль и др. Ранее такую продукцию во Вьетнаме не изготавливали.

Компания инвестирует в проект 14 трлн вьет. донгов (около 556 млн долл. США).

Hoa Phat Group подписала контракт с компанией Primetals Technologies (принадлежит корпорации Mitsubishi Heavy Industries) на сооружение линий непрерывной разливки стали и по производству проката с общим годовым объемом 500 тыс. т. Ожидается, что линия непрерывной разливки стали заработает к концу 2026 г. В том числе предусматривается сооружение крупных модулей непрерывного литья заготовок для производства рельсов.

Hoa Phat Group экспортирует продукцию в более чем 40 стран, в том числе в государства Юго-Восточной Азии, а также в Японию, Южную Корею, Канаду и страны Евросоюза. Почти треть всех доходов компании (31 %) приходится на экспорт.



По материалам интернета

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Бировни аҳмоқ қилган аслида ўзининг аҳмоқлигини кўрсатган бўлади.

Бировни айблаш ўзини оқлашдир.

Ўзини оқлашга ҳамма ҳам устаси фаранг.

Айбларингни билмоқчимисан, бошқаларга қулоқ тут.

Ёмонга тенг келаман, деган ютқизади.

Дунёда яхши одамлар ҳам кўп. Ана шу ишонч билан яшасанг, кўнглинг ҳамisha чароғон, йўлинг очиқ бўлади.

Ўғрининг тўғриси йўқ.

Бировларга орқа қилиб яшаш — ожизлик аломати.

Зўр келганда бир йилда битмаган иш бир кунда би-тади.

Бир текисдаги режали меҳнат охир-оқибат кишини мақсадга етказди.

Хаёл бўлиндими, иш унмайди.

КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

ЯШИЛ МАКОН – КЕЛАЖАК АВЛОДГА ЯШИЛ СОВҒА!

“Темирийўлкарго” акциядорлик жамиятининг бир гуруҳ ташаббускор ходимлари Самарқанд шаҳрига ташриф буюриб, “Яшил макон” умуммиллий лойи-ҳаси доирасида экологик тадбир ўтказишди.



Улар Самарқанд юк терминали ҳудудига 80 туپ ме-вали ва манзарали кўчат екишди.



Бу нафақат табиатга бўлган ҳурмат ифодаси, балки фарзандларимизга соғлом ва тоза муҳит яратиш йўли-даги муҳим қадамлардан биридир. Ҳар бир экилган ни-ҳол — эртанги яшил келажак, тоза ҳаво ва гўзал манзара демакдир.

“Темирийўлкарго” акциядорлик жамияти жамоаси дои-мо экологик ташаббусларни қўллаб-қувватлайди ва жа-миятимизда ижобий ўзгаришлар бўлишига ўз ҳиссасини қўшишда давом этади.

Табиатга меҳр — ўзимизга меҳр! Келинг, биргаликда яшил маконимизни кенгайтираемиз!



ИСКАНДАР ҲАМРОҚУЛОВ:
ФАРЗАНДЛАРИМ
БИЛАН ЎЗИНИ ЁШИГА
МОС МАВЗУЛАРДА
ГАПЛАШАМАН

1995 йил Маннон Уйғур но-мидаги театр ва рассомлик ин-ститутининг “Муסיқали драма” факультетида ўқишга кириб, 2000 йил ушбу олийгоҳини тамомла-ган. YouTube даги “Ажабханда”, “Пазанда парвоз” каналларининг бошловчиси. “Чимилдиққа отил-ган ўқ”, “Чаён боласи”, “Туман” фильмларида роль ижро этган. Барчамизга таниш бўлган “Қал-поқ” ҳажвий кўрсатувиди 11 йил ижод қилган. У ўқишни битирга-нидан ҳозирги кунгача эркин ижо-дий фаолиятини давом эттириб келмоқда. Оилали, 5 нафар фар-занднинг меҳрибон отаси, кулги ва сўз устаси Искандар Ҳамроқу-лов билан темирийўлчи мухлисла-ри учун суҳбат уюштирдик.

– Қизиқчилик йўналишида яккахон ва жамоавий ижод қилувчилар ҳақида сизнинг шахсий фикрингиз қандай? Уларни кузатиб турасизми?

– Кузатмаганман десам ёл-ғон бўлиб қолади. Фалон жамоа демайману аммо ҳозирги кунда-ги рейтинги баланд бўлган, беш-ўн кунлаб концерт қилса ҳам одамлар тўлиб томоша қиладиган жамоаларимиз бор-ку, шу-ларнинг бирортасининг ижоди-ни бошидан охиригача кузатган эмасман. Бор-йўғи, 1-2 дақиқа-лик жойлари кесилиб, ижтимоий тармоқларда айланиб турадиган жойларини кўриб қоламан. Шун-да ҳам қани, халқни ҳозир нима кулдиради, қанақа фикр ёзаяпти деб кузатган пайтларим бўла-ди. Лекин ҳозирда қайси жамоа Инстаграм лентасида чиқиб қол-са, ўша заҳотиёқ ўтказиб юбора-ман. Чунки қозонга яқин юрсанг қораси юқади. Мен ҳам шунақа уятсиз ҳазиллар қила оламан, лекин бундай ҳазилларни катта сахнада, кенг давраларда қи-лиш бизга ярашмайди. Бу каби ҳазилларнинг ўз давраси бўла-ди.

– Раҳматли отангизнинг қайси фазилатлари, феъл-атворлари сизда яхши таас-сурот қолдиргану, қайсилари сизга ўтган?

– Яхши фазилатларининг кўпроғи укам Самандарга ўтган, менга эса қизиқчиликлари ўт-ган. Бундан ташқари, қариндош-уруғларни яхши кўришлари ўт-ган. Дадам раҳматли қариндош, яқинлардан кўп хабар олардилар ва силаи раҳмини жуда яхши кў-рардилар. Уларнинг бўш вақтла-ри ўзи кам бўларди, икки кунгаги-на бўшаб қолсалар ҳам шартта Полга қариндошларни кўргани борардилар. Боришлари билан йигинлар уюштириб ҳаммалари тўпланишарди. Икки ойда бир кун вақтларини ажратиб, хилма-хил тансиқ таомлар пишириб, яқинларни чақирардилар. Сал мундоқроқ кийинадиган жигарла-рини болалари бўлса, ўзларини усти ёки оёқларидаги яхши нар-саларини “болам, шуни кийгин-чи” деб кийдириб юборар, ўзла-ри калишда уйга кетворардилар.

Менга ана шу фазилатлари ўтган десам бўлади. Яхши фазилатла-рининг қолган 90 фоизи укам Са-мандарда кўринади.


– Репертуар танлашда кўпроқ қайси мавзуларни тан-лайсиз? “Қалпоқ” ҳажвий кўр-сатувидан кетишингизга нима сабаб бўлди?

– Мен “Қалпоқ”дан кетганим йўқ. Мен ўзимнинг орзуларим сари ҳаракат қиляпман. “Қалпоқ” жамоасида қаҳрамонлар анча шаклланиб улгурди, биз бирга ишладик, баробар ижод қилдик. Ҳозир ҳадеб “мен-мен-мен” де-йишдан кўриқиб қолганман. Бир пайтлар шунақа дейишни яхши кўрган эканман. Бугунга келиб, шуларни эсласам, уялиб кета-ман. Гуруҳда беш-олтита актёр бўлсак, сценарий тузувчи мен эдим. Чунки мен қизиқчиман-ку. Қолганлар мен ёзган нарсани қо-йиб қилиб ижро қилишар эди. Ле-кин эндиликда Абдурахмон ака-миз ўзлари ҳам сценарий ёзаяп-тилар. Ўзим ишлаган пайтларим яхши ҳазил келиб қолса, кимни қаҳрамонига ярашса, шу кишига тўғрилаб ёзиб берардим. Ўзим яхши жойини ўйнайман деган фикрлар менда бўлмаган. Асо-сийси, кўрсатув зўр чиқсин дер-дим. Бу тоға ролидаги акамизга кўпроқ ярашади, мана бу гап Ал-фияни характериға хос деб ёзар-дим. Яъни мен ҳеч қачон роль талашиб, қизганган одам эмас-ман. Аллоҳни назари билан меҳ-натимиз натижа бериб, “Қалпоқ” гуруҳига шон-шухрат келтирди. Шунингдек, жамоа қаҳрамонла-ри шунчалар севимли бўлдики, Искандар Ҳамроқулов тўртинчи, бешинчи даражада қолиб кетди. Асосий аҳамиятни ижодга бериб, ўзим соя остида қолиб кетдим. Буни тўғри талқин қилиш керак, мен ҳам шу соҳада 5 йил таҳсил олганман. Менинг ҳам ўз орзула-рим бор. Мен ҳам оёққа туриб, таниқли бўлишни, сафда бирин-чилардан бўлишни хоҳлайман. Гуруҳдан чиқишимга келсак, ав-валдан гуруҳ аъзоларига дадам Рустам Ҳамроқулов каби яккахон қизиқчи бўлиш ниятим борлиғи-

ни айтиб турардим. Мана шу кун ҳам келди. Ҳозирда жамоадаги-лар билан алоқаларимиз яхши. Қўлдан келганича бир-биримиз-га ижод тарафлама ёрдам бериб турамиз. Яқинда мени “Қалпоқ”-нинг янги қисмига деярли бош ролга таклиф қилишди. Суратга олиш жараёнида эски вақтларни эслаб, мазза қилиб роль ижро эт-дим. Яна яхши роллар бўлса яна ишлайвераман. Яккахон ижодга ўтганимнинг яна бир сабабла-ридан бири Ҳожибой Тожибоев, Аваз Охун каби катта концерт залларида концерт бериш орзу-ларим бор. Бунинг учун кўпроқ ишлашим, ижод қилишим керак ва мен шунга ҳаракат қиляпман. Репертуарларимда ёшлар ора-сида трендда бўлаётган гаплар-дан фойдаланмасликка ҳаракат қиламан. Чунки бу ганларнинг умри қисқа. Бугун кулдиради, эртага тушунарсиз эшитилади. Бироқ ҳозирда шундай гапларни узоқ йиллардан кейин ҳам эши-тишга арзийдиган даражада бўлишига ҳаракат қиляпман. Ҳазилларни асосан ҳаётдан оламан: кўпроқ оилада бўлади-ган нарсалар, аёллар сиёсати, эркаклар сиёсати ва албатта ўзимдан ҳам қўшаман. Кўпроқ характерлардан келиб чиқиб ҳам оляпман.

– Оилада фарзанд тарбия-сида нималарга эътибор бе-риш керак деб ўйлайсиз?

– Болалигимда дадамиз уйда бўлмасликларини хоҳлар-дим. Дадам уйда бўлсалар қат-тиқўлликларидан хонамиздан чиқолмай қолардик. Уларнинг савлатлари эзиб қўярди, қаттиқ кўрқардик. Шу ҳолат мени уйим-да бўлмаслигини хоҳлайман. Мени болаларим мени уйда бўлишимни хоҳласин дейман. Шўқри, ҳозир болаларим “Дада қачон келасиз, бугун хизматин-гиз йўқми, бўшаб қолдингизми?”, дейишади. Уйга келсам, “Неччи кун турасиз, кетмайсизми?”, деб



Санъатимиз-нинг таниқли қи-зиқчи ва актёрларидан бири Искандар Ҳамроқу-ловни томошабинларимиз яхши танишади. У 1977 йил 31 июль кўни Наманган шаҳрида туғилган.



туришади. Чунки мен уйда бо-лаларим билан дўстона муҳит яратишга ҳаракат қиламан, улар билан мазза қилиб гаплаша-ман. Ҳар бир фарзандим билан ўзининг ёшига мос мавзуларда гаплашаман. Уларга кўп меҳр беришга ҳаракат қиламан. Ота-миз биз ёш пайтимизда ола-мдан ўтиб кетганликлари сабабли онамиз бир ўзлари бизни тар-биялаганлар. Мени онам бизни қандай йўл билан тарбия қилган бўлсалар фарзандларимиз тар-биясида ҳам шу услублардан фойдаланаман. Фарзандларим мени ниҳоятда кўп кўришади, лекин жойи келса жаҳл қи-лишимдан ҳам кўрқишади.

– Бу дунёга кимлар келиб кетмади. Барча ишлар чала қолди, умр етмади деган гапга қанчалик қўшиласиз?

– Тиллани олмадек келадига-ни ҳам тилла, майиздек келадига-ни ҳам. Тилланинг барибир қадри бор. Яхши амаллар, яхши ишлар қилиб қолишга улгуриб қолиши-миз керак. Биласизми, илм олиш ниҳоятда муҳим нарса, лекин унга амал қила олиш ҳам зарур. Илмни олишга олиб, амал қиладиган пайтда кетиб қолсанг, олган илминг ўзинг билан кетиб қолар-кан. Шунинг учун кичкина-кичкина бўлса ҳам савоб орттиришга улгу-риш учун амалдан бошлайвериш керак деб ўйлайман. Улгурмаслик аслида унутишдан келиб чиқади. Доим ёдингизда бўлса, бир кун-да уч дақиқа бўлса ҳам нимадир яхши иш қилиб қўясиз. Бир кун-да битта яхши иш қилсангиз бир

ойда ўттизта яхши иш қилган бўларкансиз. Унутдингизми, бир ойда бир маротаба ҳам яхши иш қилолмайсиз.

– Ҳаётда орзу-мақсадла-рингиз, ниятларингиз борми?

– Орзусиз одам бор экан-ми?! Биласизми, ўттиз ёшдаги орзуларимни ҳозир эсласам жуда кулгили туюларкан. Тала-балик вақтимдаги орзуларим бундай қарасам ўша савиядаги орзу бўлган экан-да. Ҳозир энг катта орзум — фарзандларим-ни яхши инсон бўлиб, жамиятга нафи тегаётганини кўрсам дей-ман. Бундан ташқари, менда юз-лаб орзулар бор, агар битталаб ёзиб чиқадиغان бўлсам дафтар етмайди. Фарзандларимнинг комил, Яратгандан кўрқадиган, чин юракдан ота-онасига раҳмат олиб келадиган инсонлар бўлиб етишганларини кўришдаги ор-зуимга барча орзуларимни ал-маштириб юбораман.

– Биринчи мартда поездга қачон чиққансиз ва Ўзбекис-тон темир йўллари ҳақида фикрингиз қандай?

– Поездга биринчи маротаба болалигимда чиққанман. Бизни ота журтимиз Наманганнинг Поп туманидаги Санг деган қишлоқ жой. Поезд Попнинг станцияси-да ҳам тўхтарди, Санг қишлоғи-да ҳам тўхтарди. Санг қишлоғи-да ҳам тўхтарди. Поп шаҳридан қишлоққача 60 километр бўлган-лиги учун поездда кетиб, эртаси куни эрталаб поездда қайтардик. Шунинг учун жуда кўп чиққанман поездга. Аммо айнан қайси бири биринчи бўлганлигини эсло-майман. Лекин талабалик вақ-тимизда плацкарт вагонларда юрардик, умумий вагонларда тикка туриб кетганмиз, учинчи полкаларда ётиб ҳам кетганмиз. Лекин охириги марта мен поездга бир ёки икки йил олдин чиқдим. “Кувноқ паровоз” кўрсатувини суратга олиш сабабли биринчи маротаба ҳозирги замонавий, тезюрак поездга чиқдим ва роса хурсанд бўлдим. Ва ниҳоят, биз-ни журтимизга ҳам шундай замо-навий поездлар келибди деб. Чунки бундай қулай шароитдаги вагонларни киноларда кўрган-миз. Поезддаги шароитни, бир нечта тил биладиган вагон ку-затувчиларининг муомаласини, ўзини тутишини кўриб қувондим.

Аваз ОМОНОВ суҳбатлашди



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирийўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ —
Умида ТҶИЧИБОЕВА

Саҳифаловчи —
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир — Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0139-рақам
билан 2007 йил 11 январда рўйхатга
олинган.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-534 Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6